

Авлиё домла ёки мулла Отахон маҳдум ҳаёти (иккинчи мақола)



16:00 / 13.01.2022 2923

Ҳазрат Авлиё домла таълим олаётган жамоага тақво ва илмда ажралиб турувчи талабалар тўпланган. Бежизга мазкур жамоа «Авлиёлар жамоаси» деб аталмаган. Мазкур жамоадан тўрт нафари янада машҳур бўлгани нақл қилинган. Улар Марғилондан Муҳаммад Юсуф Ҳазин, Андижондан Муҳаммад Мусо, Хўжабоддан Тоҳир эшон ва Намангандан эса Авлиё домлалар эди^[1].

Отахон маҳдум 1924 йил оламдан ўтди ва у шаҳарнинг мавлавий қабристонида дафн этилди. Ҳазрат Авлиё домла юрт, дин равнақи ҳамда халқ фаровонлиги йўлида кўплаб хизматлар қилди. Ўзи туғилиб ўсган

махаллада масжид ва мадраса (катта хонақоҳ) барпо қилди. Бу хонақоҳдан кўплаб аҳли илмлар ва фозиллар етишиб камол топди.

Улардан мулла Лутфуллоҳ эшон, мулла Жалол маҳдум, Мусохон маҳдум, мулла Султон маҳдум ва бошқалар.

Ривоятларга кўра, бир куни Авлиё домла хонақоҳларида толиби илмларга таълим бераётганларида, ховлидаги улкан ҳовузда қурбақалар баланд овоз билан вақиллаб, дарс жараёнига ҳалақит берибди. Шунда Авлиё домла вақиллаётган қурбақаларга «ҳап» деб ишора берибдилар. Ана шу заҳоти қурбақалар тўхтаб, ҳовузда сукунат пайдо бўлибди. Ҳозирги кунга келиб ҳам мазкур ҳовузда қурбақалар овоз чиқармайди. Бу ҳодиса ҳам Авлиё домланинг кароматларидандир, Валлоҳу аълам.

Ҳазрат Авлиё домланинг оиласи ва фарзандлари тўғрисида айрим қимматли маълумотларни топишга муяссар бўлинди. Авлиё домланинг ёлғизгина Муҳаммад Умар исмли фарзанди бўлган. Бироқ бу фарзанди тахминан 30 ёшида оламдан барвақт кўз юмган. Муҳаммад Умар икки аёлга уйланган. Аввалги аёлидан 1 ўғил, кейинги аёли Зубайраҳон оймидан ҳам 1 ўғил фарзанди бўлган.

Улар: Муҳаммад маҳдум (тахминан, 1982 й. ваф.) ва Ҳамидхон маҳдум (1988 йил. ваф.).

Ҳазрат Ҳамидхон маҳдум бобоси Авлиё домла каби илмли ва тақволи киши бўлган. Ҳамидхон маҳдум оғир ва синовли даврларни бошидан кечирди. Чунончи, қатағон қурбони даври у кишини ҳам четлаб ўтмади. 1929 йили Ҳамидхон маҳдум ўзи туғилиб ўсган жойни ташлаб, Шарқий Туркистоннинг Қошғар вилоятигага кўчиб бориб, муҳожирликда кун кечиришга мажбур бўлади. 1984 йил она юрти Наманганга қайтиб келади. Шу тариқа Ҳамидхон маҳдум ҳам 2 аёлга уйланган. Аввалги аёли Наманганлик бўлиб, Ҳикматой Тўраҳон ҳожа қизлари. Улардан 1та қиз, 1та ўғил фарзанди бор. Фарзандлари Каримаҳон ойим (1926-2021), Эшон Дадахон (1928-2001).

Ҳамидхон маҳдумнинг иккинчи аёли Қошғарлик Саодатхон ойим бўлиб, ундан 5 та қиз ва 2та ўғли бор. Умархон (1945-1990) ва Анваржон (1948).

Каримаҳон ойим Муҳаммад Дадабой халфа ўғиллари билан турмуш қуриб, уларнинг 6та ўғил, 1та қиз фарзанди бор. Ўғиллари Маҳмуджон (Дадабоев) (1947-2018), Толибжон (1950), Абдулатиф (1952), Одилжон (1953), Носиржон (1958), Баҳодир (1966).

Эшон Дадахоннинг 4та ўғил, 4та қиз фарзанди бор.

Ўғиллари Фарҳоджон (1957), Қодиржон (1963), Абдулвоҳид (1972), Абдулаҳад (1976-2019)[2].

Мулла Отахон маҳдум, яъни Авлиё домла қабрлари авлодлари томонидан 2005 йил қайта таъмирланди. Зиёратга келган кишилар учун Қуръон тиловати қиладиган алоҳида жойлар ташкил этилиб, обод ва кўркам қадамжога айлантирилди.

(Тамом)

Акрам Шарипов, мустақил тадқиқотчи,

Чиноз тумани, Олмазор қўрғони. _

[1] Р. Файзуллаев. Н. Абдулаҳатов. Муҳаммад Юсуф Ҳазин Марғиноний.—Т.; Шарқ, 2013. б. 543 .б. 71

[2] Ушбу маълумотлар Отахон маҳдум (Авлиё домла) авлодларининг шахсий архивидан олинди

-

-

-